

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**223** Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фао-  
лиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар  
ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бо-  
зори профессионал иштирокчиларининг мажбурий норматив-  
лар тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
6 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895-1*

*(2010 йил 16 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-  
ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.,  
29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Рес-  
публикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги ни-  
зомга (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й.,  
3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли  
қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази  
бош директорининг 2009 йил 9 январдаги 2009-02-сон буйруғи билан тасдиқ-  
ланган Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб  
олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қиммат-  
ли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий норматив-  
лар тизими тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1895, 2009 йил 5 февраль)  
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон,  
61-модда) 4-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мажбурий нормативлар тизими профессионал фаолиятнинг қисмлари-  
ни бирга қўшиб олиб бориш учун ўрнатилган ўз маблағларининг энг кам  
миқдорига талабларнинг энг кўпи белгиланади».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат  
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 10 июнь,  
2010-10-сон